



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 3 май, № 90 (8985)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОРАЗМ — ШОНЛИ ТАРИХИМИЗ БИЛАН ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ТУТАШГАН ЧОРРАҲА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, янги истиқболли режаларни белгилаш мақсадида 1-2 май кунлари Хоразм вилоятида бўлди.



2 май куни Урганч туманида Хоразм вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм шонли тарихимиз билан янги ислохотлар туташган чорраҳа эканини таъкидлади.

Логистика занжиридан узокда, табиий ресурслари чекланган бу диёрда ўтган йили “кичик ва ўрта бизнес йили” бўлди, дейиш мумкин. 2024 йили вилоятда 7 минг янги тадбиркор иш бошлаган, 47 та корхона кичикдан ўртага ўтган. 1 минг 700 та корхона фаолияти тикланган. Буларнинг натижасида вилоятда бир йил ичида 290 минг аҳоли ишли бўлган.

Лекин олдинда долзарб масалалар кўп. Вилоятда камбағаллик даражаси ҳали ҳам 12 фоиз атрофида, 45 минг фўқор ишсиз. Шунинг учун ҳокимлар ва ўринбосарлари ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, иш ўринлари яратиши, саноат, сервис, туризм, қишлоқ хўжалиги, экспорт салоҳиятини янада ошириши зарурлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳалардаги имкониятлар ва уларни ишга солиш чораларини кўрсатиб ўтди.

Масалан, юртимизда туризм экспорти салоҳияти 10 миллиард доллар бўлса, шунинг 2 миллиард доллар айнан Хоразмга тўғри келади. Афсуски, бу тўлиқ ишга солинмапти.

Вилоят бўйича жами 263 та маданий мерос обидаси мавжуд. Тадбиркорлар билан ҳамкорликда улар туристик масканга айлантирилса, қўшимча даромад ва иш ўринлари бўлади. Шунингдек, чет элдан тажрибали археологларни жалб қилиб, тарихий жойларни аниқлаш ва тиклашга маблағ ажратилади.

Хоразмда 40 дан ортиқ хунармандчилик йўналишлари ривожланган бўлиб, сайёҳлар маҳсулот тайёрлаш жараёнига ҳам қизиқади.

Туризмда овқатланиш жойлари жуда

муҳим. Президентимиз миллий таомларимизни чет элларда танитаётган рестораторларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Хорижда ўзбек ресторанилари ташкил қилишда рўйхатдан ўтиш, рухсатнома ва иш юритиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисми қоплаб берилиши белгиланди.

Меҳмон ўринлари ва транспорт қатновларини кўпайтириш, янги кўнгилочар ва тематик масканлар барпо этиш, гид ва официантлар тайёрлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Умуман, бу йил жами 200 миллион долларлик 91 та лойиҳани бажариш, туризм ва хизматлар соҳасида 100 мингта иш ўрни очиш вазифаси қўйилди. 2 миллион хорижий ва 10 миллион маҳаллий сайёҳ жалб қилиб, туризм экспортини 700 миллион доллардан ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Иқтисодиёт соҳасида ҳам имконият кўп. Бу йил Хоразмда камида 6 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаб, ялпи ҳудудий маҳсулотни 60 триллион сўмдан ошириш кўзда тутилган. 265 минг аҳолини банд қилиб, 104 минг одамни камбағалликдан олиб чиқиш мўлжалланган.

Масалан, хусусийлаштириш дастурига асосан 2025 йилда вилоятда 41 та давлат биноси, 350 гектар ер участкаси савдога қўйилапти. Бу хизмат кўрсатиш, туризм ва ишлаб чиқариш соҳалари учун катта имконият.

Сўнгги саккиз йилда Хоразмда мебель саноати 3 қарра ўсди. Хонқадаги 10 гектар ерда мебелчилик зонаси ташкил этилди. Бу тармоқни янада ривожлантириш учун хориждан дизайнёр, маркетинг, инженер-технолог олиб келинади. Юртимизда бу соҳага қўшимча туртки бериш учун махсус дастур тайёрлаш топшириғи берилди.

Ҳозир жаҳондаги мураккаб шароитда инновация ва инвестиция жалб қилган давлат ютапти. Бу борада Хоразмда ҳам режалар улкан. Жумладан, бу йил 900 миллион долларлик 12 та йирик, 480 та ҳудудий лойиҳа ишга туширилади. 65 турдаги маҳсулот, 5 турда-

ги ускуна ишлаб чиқарилиб, маҳаллийлаштириш ҳажми 1,7 триллион сўмга етказилади. 1,5 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этилиб, 510 миллион долларлик экспорт қилинади.

Масалан, Қўшқўпир туманидаги 175 гектарда “Ўзбекистон — Хитой технопарки” ташкил қилинмоқда. У ерда 1 миллиард долларлик 16 та инвестиция лойиҳалари бўлади.

Тупроққалъада 10 миллиард долларлик газ-кимё мажмуасининг биринчи босқичи бошланади. Унда йилга 2 миллион тонна 14 турдаги юқори қўшилган қийматли базавий полимер маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Хоразмда 663 та қурилиш материаллари корхонаси бўлиб, вилоятнинг драйвер тармоқларидан бирига айланди. Энди уларнинг маҳсулотлари сотилиши молиявий чоралар орқали қўллаб-қувватланади. Тармоқда 100 миллион долларлик яна 40 та лойиҳа бошланади.

Словакия компанияси томонидан Тупроққалъа туманида 170 миллион доллар ҳисобидан рапс ўсимлиги етиштириш ва ундан биоэтанол ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида 60 миллион долларлик 56 та лойиҳа ишга туширилади. 3 минг 400 гектар ер қайта фойдаланишга киритилади. 1 минг 200 гектар саноатлашган мевали боғлар ташкил қилинади.

Австриянинг “Базур” компанияси билан Хоразмда 7,5 минг гектарда ёмғирлиб сўғиришни жорий қилиш режалаштирилган. Бунда фермерларга шундай техникалар тайёр ўрнатилади, лизинг асосида сўмда йиллик 2,5 фоиз ставкада 10 йил муддатга берилади.

Хоразмлик фермерлар таннархни тушириш учун изланиб, тракторга замонавий “автопилот” ўрнатган. Натижада чигит тўлиқ аниқликда экилади, сифат ошади. Бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредит берилиши кайд этилди.

Вилоятда экин майдонига сув чиқариш осон эмас. Республикадаги насосларнинг 21 фоизи шу ерда жойлашган. Уларга қуёш панели ўрнатиб, электр харажатини иқтисод қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Балиқчиликни ривожлантириш, сутни қайта ишлаш, даладарда қўшимча маҳсулотлар етиштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида бунёдкорлик ишлари ҳам режалаштирилган. Жумладан, бу йил 7 минг хонадонли 200 та кўп қаватли уй қурилади, 1,5 минг километр йўл ва 20 та кўприк таъмирланади. Бу соҳада 20 минг нафар аҳоли иш билан таъминланади.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилди. Тиббиёт масканлари ва юқори технологик жарроҳлик амалиётларини кўпайтириб, аҳолини соғломлаштириш, техникум ва олийгоҳ талабаларини дуал таълимга қамраб олиш, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда белгиланган чора-тадбирларни бажариш режалари юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Хоразмдаги “Урганч кластер”нинг янги корхоналари фаолияти билан танишди.

Кластернинг ташкил этилганига беш йил бўлган. Бугун у пахта ҳомашсини етиштиришдан тортиб тайёр кийим-кечак тикишгача бўлган барча жараёни қамраб олган яхлит “занжир”. Унинг тизимида 3 минг киши иш билан таъминланган.

Тадбиркор 8 минг 500 гектар майдонда етиштирилган пахтани 100 фоиз қайта ишлайди. Бунинг учун пахта тозалаш ва ёғ заводлари бор.

Шу кунларда кластернинг ип-йиғирув ҳамда мато тўқиш қуввати ортди. Қўшимча инвестиция эвазига яна иккита корхона фаолияти йўлга қўйилди. Германия, Япония ва Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди.

Корхонада ўқув-тажриба маркази

ташкил этилган. Тикувчи ва дизайнер мутахассислар аввал шу ерда ўқитилиб, кейин ишга қўйилади.

Буларнинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ортди. Йилга 10 минг 800 тонна атрофида калава ип ва 3 миллион дона тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаш қуввати яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев янги фабрикаларда бўлиб, иш жараёни, тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди. Тикувчи хотин-қизлар билан суҳбатлашди. Уларнинг ойлик маошлари, меҳнат шaroитлари билан қизиқди.

Бу ерда тайёрланаётган юқори сифатли кийим-кечакларнинг катта қисми экспортга йўналтирилади. Корхонанинг йиллик экспорт салоҳияти 28 миллион доллар атрофида.

Маҳсулотлар тури ва сифатини кўпайтириб, экспорт қўламини кенгайтириш, энергия тежамкорлик орқали маҳсулот таннархини камайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳрида барпо этилган Касбий кўнмакорлик минтақавий марказини бориб кўрди.

Мажмуа Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги — KOISАнинг 9 миллион долларлик грант маблағлари ҳисобидан қурилган. Замонавий касблар учун зарур жиҳозлар, симуляцион ускуналар келтириб ўрнатилган. Бу ерда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, пайвандчилик, юк кўтариш машинистлиги, электрон ва маиший техника таъмири, мебелсозлик, сартарошлик ва косметология, мобилграфика ҳамда меҳмонхона хизмати каби талаб юқори бўлган 10 та мутахассислик ўргатилди.

Бунинг учун қарий 2 гектар ҳудудда замонавий ўқув бинолари, амалий машғулот хоналари, 64 ўринли ётоқхона ва бошқа ёрдамчи иншоотлар қурилган. Муассаса йилга 300 нафар тингловчини 6 ойлик касбий тайёргарлик курсларида ўқитиш имкониятига эга.

Президент ўқув-машғулот хоналари-

ни кириб кўрди. Меҳмонхона йўналишида сабоқ олаётган ёшлар билан самимий суҳбатлашди.

— Урганч аэропорти Ичон аэропорти билан шерикликда дунё даражасига олиб чиқамиз. Катта туризм марказлари, меҳмонхоналар қураёلمиз. Энди хорижий туристлар кўп келиши учун хизмат ҳам халқаро даражада бўлиши керак. Улар тарихимиз, табиатимиз учун келади, сервис яхши бўлса, хурсанд бўлиб кетади. Бунда кўп нарсаси хизмат кўрсатувчиларнинг муомаласи, этикаси, савиясига боғлиқ. Шунинг учун бу имкониятдан фойдаланиб касбни яхши ўрганинг. Келгусида ўзингиз ҳам тадбиркор бўлишга ҳаракат қилинг, — деди Шавкат Мирзиёев.

Марказда Миграция агентлиги ҳамда Жанубий Кореянинг “Hyundai” ва Германиянинг “SBH West” компаниялари билан ҳамкорликда электромобилларга хизмат кўрсатиш ихтисослиги ҳам йўлга қўйилган. Бу эса ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мос кадрлар етиштириш имконини беради.

Халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Жорий йил январь ойида марказнинг бошқарув ходимлари Корея Республикасида 2 ҳафталик ўқув курсларини тамомлаб қайтган. Аини пайтда эса ушбу мамлакатда 20 нафардан зиёд ўқитувчи ва мураббийлар малака оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари малакали касбий тайёргарлик саноатлаштириш, умуман, давлат ривожининг асоси эканини таъкидлади. Амалиёт ускуналаридан самарали фойдаланиш, дарс сменаларини оқилона ташкил этиб, кўпроқ ёшларни ўқитиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАЛТИРИШ УЧУН ЯНАДА САМАРАЛИ ЧОРАЛАР КЎРИШ ЗАРУР

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ Фарғона вилоятида ижтимоий муҳит, хавфсизлик ҳолати, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши ва аҳоли турмуш шароитлари билан яқиндан танишди.

Ўрганиш

Ўрганиш ишларининг иккинчи кундаги илк манзил — Фарғона шаҳар Ички ишлар бошқармасида Президентимизнинг 2025 йил 3 январдаги ПК-1-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган Ижтимоий профилактика маскани бўлди. Масканининг асосий мақсади жиноятчиликнинг олдини олиш ва ижтимоий хавф-

сизликни мустаҳкамлашдан иборат. Шунингдек, ишчи гуруҳ яқинда фаолият кўрсата бошлаган янги киберлабораторияни ҳам ўрганди. Лаборатория кибержиноятчиликка қарши курашиш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шундан сўнг вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисо-

дий фаоллигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Унда хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, уларнинг бандлигини самарали таъминлаш ва давлат дастурлари ижросини назорат қилиш бора-сида мутасаддилар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Кейинги манзил — “Tantana textile” масъулия-ти чекланган жамияти. Ушбу корхонада трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва 120 та иш ўрни яратилган. ➡

ТУРИСТИК ИМКОНияТЛАР — ВОҲА РАВНАҚИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига ташрифини бугунги кунда соатига атиги 400 нафар йўловчига хизмат кўрсата олиши мумкин бўлган Урганч халқаро аэропорти Корея Республикасининг “Incheon International Airport Corporation” компанияси билан биргаликда модернизация қилиш ва бошқариш борасидаги лойиҳалар билан танишишдан бошлади. Бу бежиз эмас. Жанубий Кореядаги Ичон халқаро аэропорти сизими бўйича дунёда учинчи ўринда турса, хизмат кўрсатишда етакчилардан бири ҳисобланади. Хоразмга келадиган сайёҳлар оқимини 5 миллионга етказиш борасидаги мақсадга эришиш учун транспорт инфраструктураси, айниқса, аэропортнинг ўрни катта.

Ушбу лойиҳанинг ҳолати билан танишиш давомида хорижий авиакомпаниялар билан ҳамкорликда самолётлар олиб келиш, ташувларни кўпайтириш, сервис бўйича Корея тажрибасини ўрганиш, мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш зарурлиги ўргуланди.

Бугунги кунда вилоятда 260 дан зиёд маданий мерос масканлари мавжуд бўлиб, уларнинг тарихи бир неча асрларга бориб тақалади. Шубҳасиз, улар ўзининг ноёб ва гўзал меъморий қиёфаси билан нафақат юртимиз, балки бутун Марказий Осиёнинг жаҳон ра-

нақидаги бетакрор ўрнини белгилаб берадиган тирик тарихдир.

Ҳавас қилса арзийдиган бебаҳо бойликларимиздан бири, очик осмон остидаги шаҳар-музей — “Ичан қалъа” мажмуаси умумбашарият хазинаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани фикримиз далили. Президентимиз ташаббуси билан бундай масканлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ташриф чоғида очилган “Арда Хива” мажмуаси қадим кент ичра яна бир бетакрор шаҳарни эслатади. ➡

ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИГА ҚАРАТИЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Хоразм — ўзига хос жозибаси билан сайёҳларни мафтун этиб келадиган воҳалардан бири. Кейинги йилларда вилоятнинг туризм салоҳиятини юзгага чиқариш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Буну ҳудудга хорижий сайёҳларнинг ташрифи етти-саккиз йил олдинги даврдагига нисбатан 30 баробар кўпайгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Соҳадаги ўзгаришлар ҳисобида вилоят туризм хизматлари экспорти 2017 йилдаги 7 млн. доллардан ўтган йили 380 млн. долларга етди.

Илгари ҳудуд туризми ҳақида гапирилганда, кўпчиликнинг кўз ўнгиде фақат Ичан қалъа гавдаланарди. Кейинги вақтларда бу борадаги қарашлар бутунлай ўзгарди. Чунки сайёҳлар учун қирқдан ортиқ туристик йўналишлар ишлаб чиқилиб, уларнинг умумий сони юзгага етди. Бу ерда

очилган яна бир ноёб мажмуа — “Арда Хива” халқаро туризм маркази вилоятда сайёҳлар оқимини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ноёб мажмуанинг очилиш маросимида иштирок этгани ташрифнинг муҳим воқеаси бўлди. ➡

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ УЧУН ЯНАДА САМАРАЛИ ЧОРАЛАР КЎРИШ ЗАРУР

Лойиҳанинг умумий қиймати 10 млрд. сўм, экспорт ҳажми эса 2 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Маҳсулот, асосан, Россия ва Италияга экспорт қилинади.

Шу ернинг ўзида Мустақиллик маҳалласининг "маҳалла еттилиги" ва маҳалла банкири иштирокида амалга оширилаётган ижтимоий лойиҳалар ва уларнинг самарадорлиги муҳокама қилинди. Сўхбат чоғида аёллар бандлигини таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш ва камбағалликни қисқартиришга қара-

тилган ишларга алоҳида эътибор берилди.

Қувасой шаҳрида 2024 йилги Инвестиция дастури доирасида қурилган янги 27-мактаб спорт комплекси фаолияти ўрганилди. Ушбу лойиҳа Олий Мажлис Сенатининг ташаббуси билан Инвестиция дастурига киритилган эди.

Шундан кейин ишчи гуруҳ аъзолари Кокилон маҳалласида бўлиб, бу ерда камбағалликни қисқартириш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ижроси билан ҳам қизиқди.

Ташриф доирасида "Garden Catering" МЧЖ фаолияти ҳам ўрганилди. Таъкидланганидек, "Garden Catering" МЧЖ томонидан мактабга таълим ташкилотларига сифатли ва тўйимли овқат етказиб бериш хизмати йўлга қўйилган. Мазкур ташаббус болаларнинг соғлом ривожланиши, уларда тўғри овқатланиш маданиятини шакллантириш ҳамда таълим жараёнида фаол иштирокчини таъминлашга қаратилган. Айни чоғда мазкур хизмат орқали ташкилотларда санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя қилиниши ва

хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кафолатланган.

Ишчи гуруҳ аъзолари Фарғона вилоятида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳоли турмуш шароити ва муаммоларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиб, вилоятда ижтимоий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш учун янада самарали чоралар кўриш зарурлигини таъкидлашди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси кўмиталарида БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ кўмитаси ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг "2024 йилда бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлар ижроси бўйича амалга оширилган ишлари тўғрисида"ги ҳисоботлари эшитилди.



«Халқ сўзи».

давлат мулкани сотиш ва ижарага бериш ишларини янада жадаллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда мақсадли индикаторларнинг ижроси тўлиқ бажарилмаган ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва келгусида ушбу сабабларнинг олдини олиш бўйича ҳар бир вазирлик, идоралар томонидан чуқур таҳлиллар ўтказилиши юзасидан тавсиялар берилди.

Вазирлар Маҳкамасига ҳар бир вазирлик ва идоранинг мақсадли индикаторлари ижроси тўғрисидаги чорақилиш ҳисоботларини тизимли назоратга олиб бориш ва бу борадаги ишларнинг сифатини ошириш тавсия этилди.

Яқинда кун тартибидоги масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ШЕРИКЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Кипр Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Кипрос Йоргаллис билан учрашди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон ва Кипр ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда фаол ривожланиётгани таъкидланди.

Сўхбат давомида икки мамлакат ўртасида парламентлараро ҳамкорлиқни

янада ривожлантириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Томонлар парламентлар ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, парламент делегациялари алмашинуви ва қонунчилик фаолияти тажрибаси билан ўртоқлашиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Сенат ва ёшлар ТАЛАБАЛАР ЮҚОРИ ПАЛАТА ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ



Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси аъзолари Алфранганс университети талабалари билан учрашув ўтказди.

Унда талаба ёшларга парламент юқори палатасининг фаолияти, қонунчиликдаги сўнгги янгилликлар, парламент назорати доирасида қўрилаётган муҳим масалалар юзасидан атрофлича маълумот тақдим этилди.

Шунингдек, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти фаолияти, мақсад ва вазифалари, унинг ташкилий тузилмаси ҳамда унга аъзо бўлиш тартиби ҳақида сўзлаб берилди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди ҳамда фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Учрашувда парламент қонун ижодкорлиги жараёнига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг қонунчилик тақлифларини тайёрлаш борасидаги фаоллигини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди ҳамда талабаларнинг тақлиф ва ташаббуслари эшитилди.

«Халқ сўзи».

ТУРИСТИК ИМКОНияТЛАР — ВОҲА РАВНАҚИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Мазкур маскан ўзида тарих ва бугунни уйғунлаштирган меъморий ечими билан ноёб лойиҳа саналади.

Айни чоғда вилоятнинг ҳали ишга солинмаган туристик салоҳияти жуда катта. Масалан, Хива туманидаги 2 400 гектар ерни Хива шаҳрига ўтказиб, у ерда "Сахро юлдузи" туристик комплексини бунёд этиш, ҳудудда меҳмонхоналар, кўнгилочар марказлар, гастрономик ва савдо кўчалари, музейлар, экоюлар, ёзги лагер, экстремал туризм объектларини барпо қилиш режалаштирилган.

Тупроққалдада чўл ҳудудидоги 5 минг гектар ерда сафари ва ов туризмининг ривожлантириш, Урганч шаҳри, Шовот, Қўшқўпир, Хива ва Ҳазораспдан оқиб ўтувчи Ғазовот, Полвон, Шовот каналлари бўйларига хизмат кўрсатувчи ва савдо-кўнгилочар 80 та объектни ишга тушириш, Богот, Гурлан, Янгимобор ва Урганч туманларида туризм қишлоқларини ташкил этиш кўзланмоқда.

Аждодларимиз қолдирган бекиёс илмий-маънавий меросни асраб-авайлаш, бойитиш ва дунёга кенг тарғиб этиш мақсадида Маъмун академияси биноси олдидаги 2 гектар боғни "Буюк алломалар" номли оиққ осмон остидаги "смарт" музейга айлантириш ва Хоразм юртида камол топган ўнлаб мумтоз аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий меросини интерфол усулда бир нечта хорижий тилларда сайёҳларга тақдим қилиш мўлжалланган.

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Маҳаллий Кенгашларда СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Президентимиз 2024 йил 20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сўзлаган нутқида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш масаласига алоҳида тўхталиб, устувор вазифаларни белгилаб берган эди.

Дарҳақиқат, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, унинг кенг тарғиботини таъминлаш ижтимоий аҳамиятга эга масала саналади. У умумжамиат ҳаракатига айлансагина натижага эришилади. Шу боис юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, халқимиз ўртасида спортни оммалаштириш борасида парламент палаталари томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шундан келиб чиқиб яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Тошкент вилоятининг Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасида бўлиб, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши учун фуқароларга яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Ўз навбатида, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини шакллантириш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Депутатлар тумандаги Обод маҳалласида ҳам бўлиб, аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказди. Маҳалла фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича қатор тақлифлар берилди.

Куни кеча бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида айни шу масала атрофида муҳокама қилинди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Мавлуда Хўжаева ҳамда бир гуруҳ депутатлар қатнашди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун зарур шарт-шароит, имкониятлар яратилиб, мазкур соҳа тубдан ислох этилмоқда. Хусусан, соҳанинг ҳукуқий асослари такомиллаштирилиб,

ўтган даврда қатор қонунлар, Президентимизнинг соҳага оид 80 дан ортиқ Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Давлат бюджетидан спортга ажратилаётган маблағ 1,5 трлн. сўмдан 3 трлн. сўмга ошди, 101 та йирик спорт объекти янгидан қурилиб, 67 таси реконструкция қилинди. Соҳада олиб борилган ислохотлар натижасида мамлакатимиз аҳолисининг ўртача умр кўриш давомийлиги 2010 йилдаги 72,9 ёшдан 2024 йилда 74,7 ёшга етди.

Йиғилишда парламент палаталари томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида жойларда аҳоли орасида кенг тарғибот-тушунириш ишлари олиб борилаётгани, мазкур масала маҳаллий Кенгашлар сессияларида ҳам атрофлича муҳокама қилинаётгани қайд этилди.

Шу билан бирга, вилоятда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасидаги ишлар қизғин муҳокама қилиниб, мутасадди ташкилот раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Муҳокамаларда соҳада учраётган муаммоларни ҳал этиш, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш, тарғибот-тушунириш ишларига кенг жамоатчилик, жумладан, "маҳалла еттилиги", нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ ҳодимларини жалб қилиш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Сессияда вилоятда аҳолининг саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида мутасадди ташкилотлар олдида турган устувор вазифалар, улар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан самарали депутатлик назоратини амалга оширишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИГА ҚАРАТИЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Мажмуа қадим кент ичра яна бир бетакдор шаҳарни эсла-тиб, ў ўзида тарих ва бугунни уйғунлаштирган меъморий ечими билан ноёб лойиҳадир.

Худуддаги 25 гектарлик паст унмол, шўрроқ майдонда барпо этилган бу маскан йилига уч миллион нафар ташриф буюрувчинини қабул қилиш имкониятига эга. Энг муҳими, у ерда икки мингдан зиёд кишилар иш билан таъминланади. Шу нукта назардан, Ичан қалъа тарихий бўлса, "Арда Хива" Хоразмнинг замонавий "ташир қорғози" бўлади, десак, янглишмаймиз.

Саломатлик — инсоннинг бirlamчи эҳтиёжи, истаги. Шу боис давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳаёт ҳақиқати шунки, фақат соғлом халқ, баркамол миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, аввало, тиббиёт соҳасида олиб бораётган ишларни мутлақо янги босқичга кўтариш мақсадида Хоразм вилоятида улкан ишлар қилинди. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланди, одамларни кўп йиллардан бунён ўйлантириб келаётган масалалар қисқа фурсатда ижобий ҳал этилди.

"Инсон қадри учун" тамойили асосида ҳар бир фуқаронинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishiга зарур шарт-шароитлар, қулайликлар яратилди. Бугун воҳода аҳолини ижтимоий

хизмоя қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш тизими ижобий томонга ўзгарган. Фуқароларга 189 та давлат тиббиёт муассасаси, 100 та маҳалла тиббий пункти ҳамда 501 та хусусий тиббиёт муассасаси орқали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Бирламчи тизимда касалликларнинг олдини олиш, эрта босқичларда аниқлаш мақсадида ўтган йили аҳолининг 94 фоизни тиббий ташбловдан ўтказилди. Урганч тумани тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси ва кўп тармоқли марказий поликлиникасида лаборатория, физиотерапия ва даволаш физкультураси йўналишида хизматлар умумлаштирилиб, стерилизация, лаборатория хизмати марказий шифохонанинг лаборатория бўлимида физиотерапия ва даволаш физкультураси хизматлари эса янгича хизмат кўрсатиш тизими бўйича ташкил этилди.

Аҳолини йиллар давомида қийнаб келган, юқори технология операциялар учун чет элларга бориш, беморларнинг даволаш-профилактика муассасаларида соатлаб навбат кутиб қолиш ҳолатлари, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги каби бир қатор муаммолар қисқа вақтда бартараф этилди. Хусусан, юқори технология амалиётларнинг қўлами ва салмоғи ошди, чет эл ва пойтахтда ўтказиб келинаётган амалиётлар бугун вилоятнинг ўзида йўлга қўйилди. Натижада тиббиёт муассасаларида 8 минг 302 нафар беморда юқори технология жарроҳлик амалиётлари бажарил-

ди. 2024 йилнинг ўзида вилоятда 6 нафар беморда буйрак трансплантацияси амалиёти республика мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида инвестиция дастурига асосан 10 та тиббиёт муассасасида 45,8 млрд. сўмлик янги қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Маҳаллий бюджет ва қўшимча манбалар ҳисобидан 13 та тиббиёт муассасасида 21,9 млрд. сўмлик мукамал таъмирлаш юмушлари адо этилди.

Вилоятда тиббиётнинг яна бир муҳим йўналиши — хусусий тиббиёт секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 28 та хусусий клиника янгидан ташкил этилиб, уларнинг сони 508 тага етказилди. Бугунги кунда юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи клиникалар сони 30 тадан ошаришга эришилди.

Келгусида воҳода бу борадаги ишлар бутунлай янги босқичга чиқади. Чунки Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишда жорий йилда юқори техно-

Давлатимиз раҳбарининг вилоятда таширдида сўнг юзлаб лойиҳалар амалга оширилади, минглаб иш ўринлари яратилиб, асосийси, халқимиз фаровонлиги янада юксалади. Ташриф давомида белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлашда биз, халқ вакиллари ҳам камарбаста бўламиз.

логик жарроҳлик амалиёти улушини 35 фоизга етказиш, техникумлардаги 6 минг битирувчининг бандлигини таъминлаш, техникум ва олийгоҳларнинг 7 минг талабасини дуал таълимга қамраб олиш, олий таълимнинг муҳандислик, тиббиёт, иқтисодиёт, аграр йўналишларидаги 7 та таълим дастурини халқаро аккредитациядан ўтказиш муҳимлиги урғуланди.

Шу билан бирга, Урганч шаҳридаги тиббиёт олийгоҳида йилига 1 минг 600 нафар шифокор тайёрланиши, 500 та хусусий клиника фаолият юритаётгани, лекин сервисдаги тиббий хизматлар улуши 2 фоизга ҳам етмаслиги қайд этилди. Шу маънода, йил якунигача Шовот ва Янгирқида соғломлаштириш хизматларини ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Президентимизнинг ҳудудлар ривож ва аҳоли ҳаёти билан ақидан танишиш, янги истиқболли режаларни белгилаш мақсадида Хоразм вилоятига бу галги ташрифи чин маънода вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириб, унинг бекиёс имкониятларини юзага чиқариш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тоҳир ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

29 АПРЕЛЬ СНАСИ ХАЛҚАРО ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИНИ ХОТИРЛАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан 29 апрелни Халқаро зилзила қурбонларини хотирлаш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Биз ва жаҳон

Хужжатга дунёнинг барча минтақа-ларидан 80 дан ортиқ давлатлар ҳам-муаллифлик қилган.

Резолюция Ўзбекистон Президентининг зилзила қурбонларига ҳурмат кўрсатиш ва бу борада халқаро ҳам-корлик зарурлигини эслатиш мақсади-да хотира ва бирдамлик кунини таъ-сис этиш тўғрисидаги ташаббусига асосланган.

2023 йил 16 март куни бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдан ташқари саммитида давлати-миз раҳбари томонидан фавқуллода вазиятлар бўйича ихтисослаштирилган халқаро тузилмалар билан амалий ҳамкорлиқни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилганди.

Халқаро зилзила қурбонларини хо-тирлаш куни илр бор 2026 йил 29 ап-рель куни нишонланади. Бу сана 1966 йилда Тошкент шаҳрида содир бўлган вайронкор зилзиланинг 60 йил-лиги муносабати билан белгиланди.

Мамлакатимизнинг БМТдаги дои-мий вакили, элчи Улуғбек Лапасов ўз чиқишида Ўзбекистон Президенти то-монидан турли халқаро анжуманларда бундай халқаро кунни белгилаш та-шаббуси бир неча бор илгари сурил-ганини алоҳида таъкидлади.

Кайд этилганидек, зилзилалар энг ҳалокатли табиий офатлардан бири-дир. Улар барча табиий офатлар ора-сида нисбатан кичик улушни ташкил этишига қарамай, кўпинча энг фожиа-ли оқибатларга олиб келади.

Ўзбекистон делегацияси маслаҳат-лашувларда қатнашган ва лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнига ҳисса қўшган барча аъзо давлатларга ҳамда БМТнинг Табиий офатлар хавфини ка-майтириш бошқармасига кўрсатилган ёрдам ва ҳамкорлик учун алоҳида мин-натдорлик билдирди.

Резолюция БМТга аъзо давлатлар, БМТ тизимидаги муассасалар ва бошқа халқаро ташкилотларни халқаро кунни нишонлашга, хусусан, аҳоли ха-

бардорлигини ошириш, фавқуллода вазиятларга чидамлилиқ ва тайёргар-лиқни кучайтиришга қаратилган ахбо-рот-тарғибот тадбирларини ўтказиш орқали кўмаклашишга чақиради.

Хужжатнинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳо-ланди. Дунёнинг турли бурчақларида зилзилалар тез-тез содир бўлаётган шaroитда ушбу ташаббуснинг долзарб-лиги алоҳида таъкидланмоқда.

Ушбу резолюциянинг маъқулланиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганини, шунинг-дек, бутун инсоният манфаатларига хизмат қилувчи глобал ечимларни ил-гари суришдаги ҳиссасини яна бир бор тасдиқлайди.

Тони-Ша ФРЕКЛЕТОН, БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайитириш бўйича бошқармачининг Нью-Йорк офиси раҳбари:

— Биз 29 апрель санасини Халқаро зилзила қурбонларини хотирлаш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги резо-люцияни қабул қилиш билан бутун дунёда зилзилаларнинг жамиятларга чуқур таъсирини эътироф этиш йўли-да муҳим қадам қўйдик. Ташаббус Ўзбекистон, Чили ва Филиппин томо-нидан илгари сурилган.

БМТ Бош Ассамблеяси зилзиладан омон қолганларни қўллаб-қувватлаш ва келажақдаги сейсмик таҳдидларга жа-моавий чидамлилигимизни кучайтириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Ушбу халқаро кун нафақат йўқот-ганларимизни эслаш, балки шошилинч ва зарур чораларни кўриш учун ҳам хизмат қилади.

Биз биргаликда мазкур санада ха-бардорлиқни ошириш, жабранганлар билан бирдамликни шакллантириш ва келажақ авлодлар учун зилзила хав-фини камайитиришда ҳақиқий ютуқлар-га эришиш учун кучли катализаторга айланишимиз мумкин.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

НОЛИМАГАННИНГ НОНИ БУТУН

Қашқадарё вилоятда бугунги кунда 108 мингдан ортиқ но-гиронлиги бўлган фуқаролар истиқомат қилади. Албатта, иж-тимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни тизимли қўллаб-қувват-лаш, уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ногиронлиги бўлган фуқароларга белгиланган тартибда ногиронлик нафақаси тўланади. Турли ижтимоий жамғармалар, ҳомийлар томони-дан моддий кўмак кўрсатилади. Бу имконияти чекланган фуқароларнинг зарур ҳаётий эҳтиёжларини қоплаши мумкин, ammo кишининг ўзи ҳаракат қилиб пул топиши, доимий даромад манбаига эга бўлишига нима етсин!

Ибрат

Ғузор туманининг Мустақил-лик маҳалласида яшовчи 2-гурух ногирони Холида Атамуродова ҳам моддий да-ромад топиш, оиласи фаровон-лигига ҳисса қўшиш мақсади-да 4 сотихли томорқасининг 2 сотих қисмида иссиқхона барпо этиб, қулупнай этишти-ришни йўлга қўйган.

— Уч-тўрт йил олдин мод-дий жиҳатдан анча қийналиб қолгандик, — дейди у. — Турмуш ўртоғим ҳам, ўғлим ҳам чорасизликдан иш излаб хо-рижга кетишди. Мен ёрдам сўраб маҳаллага бордим. У ерда “аёллар дафтери”да тур-ган хотин-қизларга оилавий тадбиркорлик билан шуғулла-



ниши учун имтиёзли кредит берилаётганини айтишди. Ма-ҳалла фаолларининг маслаҳа-ти ҳамда тавсияси билан банк-дан имтиёзли кредит олиб, 4 сотихли томорқамизнинг 2 со-тихида мўъжаз иссиқхона бар-по этдик. Дастлаб помидор, бодиринг этиштиришни йўлга қўйдик, кейин иссиқхона ша-

роитида қулупнай парвариш-лашни ўзлаштирдик. Унинг фойдаси янада кўпроқ бўлди. Ҳозир чорвачилик, парранда-чилик йўналишида ҳам даро-мад ола бошладик.

Эътиборли томони, хонадон бекасининг томорқадан яхши даромад ола бошлаганини кўрган турмуш ўртоғи ва ўғли ҳам хориждан қайтиб, шу ишга бош қўшишди. Эндиликда оила ҳамжиҳатликда томорқада балиқ этиштириш ва шу каби яна бир қатор янги-янги лойиҳалар усти-да иш бошлаш арафасида.

Бу инсонлар билан суҳбатла-шиб англадикки, улар ҳаётни нек-бин қалб билан кўради. Ҳеч қачон нолимайди, имконияти чекланганини пеш қилиб, қимдандир кўмак кутиб ўтирмайди. Ўз режалари, мақ-садлари сари ўзи интилади. Фаровон ҳаётининг асоси ҳам шунда.

Жаҳонгир БОЙМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ҚИЗГИН

Тошкент вилоятининг Пар-кент туманида транспорт ин-фратузилмасини янада ри-вожлантириш ва туризм сало-ҳиятини ошириш мақсадида Байтқўрғон — Паркент йўна-лишида электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши олиб борилмоқда.

Қулайлик

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маъ-лумотларига кўра, мазкур темир йўл линия-сининг умумий узунлиги 23,8 километр. Лойиҳа доирасида биттадан ажратиш пунк-ти ва туннель кўринишидаги йўлўтказиғи, учта кўприк, 65 та сув ўтказиш иншооти, шунингдек, саккизта автомобиль ҳамда те-



мир йўл кесишмаси қурилиши режалашти-рилган.

Вилоят ҳокимлиги ва “Ўзбекистон темир йўл-лари” АЖ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик доирасида ин-шоотни мустаҳкам ҳамда сифатли фойдаланишга топ-ширишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Туркманистон:

БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамжиҳатлик, яқин қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги мутлақо янги сиёсий муҳит мустаҳкамланиб бормоқда. Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг 23-24 апрель кунлари ташрифи билан Самарқанд шаҳрида бўлиши ҳам икки мамлакат ўртасидаги мустаҳкам алоқаларнинг амалий ифодасидир.

Нуқтаи назар

Самимий ва конструктив музока-ралар кун тартибидан Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкам-лаш, кўп қиррали ҳамкорлиқни, ав-вало, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуника-ция ва маданий-гуманитар соҳаларда кенгайтириш масалалари ўрин олдики, буларнинг барчаси азалий дўстлик муносабатларимизга янги-ча рух бағишлади.

Туркменистон ҳақида сўз борар экан, мамлакатнинг замонавий ривож-ланиш даври бевосита Гурбангули Бердимухамедов номи билан боғлиқ-лиги кенг эътироф этилишини таъ-кидлаш жоиз. У Президент лавози-мида фаолиятини бошлаган давлат-нинг янги ташки сиёсат стратегияси-ни белгилаб берди. Ўтган давр мо-байнида Туркменистон миллий лиде-ри халқаро тинчлик ҳамда хавфсиз-лиқни мустаҳкамлаш, транспорт-ком-муникация, энергетика соҳалари, эко-логия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Оролни кўтариш бўйича ҳам-корликка оид долзарб масалалар юза-сида қўллаб амалий тақлиф ҳамда гоյарлари илгари сурди. Ашҳобдада БМТнинг Марказий Осиё учун пре-зентив дипломатия бўйича минтақа-вий марказини ташкил этиш ҳақида-ги ташаббуси шулар жумласидан.

Мамлакатларимизнинг бозор иқтисодиёти таъминиллари асосида-ги савдо-сотик, товар айирбошлаш муносабатлари йилдан-йилга кен-гайиб бормоқда. Йирик транзит-транспорт салоҳиятига эга Туркма-нистон айнаи пайтда қўшни давлат-лар билан ҳамкорликда темир йўл, автомобиль, денгиз ва ҳаво йўллари орқали қатновни ўз ичига олган кенг тармоқли мультимодаль ин-фратузилмани шакллантирмоқда. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг

транспорт йўллари минтақадаги дав-латларнинг Эрон, Форс кўрφαзи ва Кора денгиз бўйида жойлашган мам-лакатлар бандгароҳларига, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Ши-молий Африка бозорларига чиқиши-ни таъминлайдиган ягона тизимнинг интеграциялашган бўғинига айлани-шига шубҳа йўқ. Бизга дунё денгиз-ларига энг яқин йўл айнан Туркма-нистон худудлари орқали ўтади. Бу-гун мамлакатлар темир йўллари ўзи-нинг ҳамкорлигини бошлади. Биз Туркменистон орқали 600 — 700 км. йўл ҳисобига Эрон портларига чи-қамиз. Бу эса ўзаро транспорт-ло-гистика йўналишини янги поғонага олиб чиқиши билан бирга, унинг са-марадорлигини ҳам оширади.

Ўзбекистон — йирик саноат маҳ-сулотлари ишлаб чиқарувчи давлат. Ҳозир белгиланган режалар, амал-да ууддаланаётган лойиҳалар яқин йилларда мамлакатимизнинг экс-порт салоҳияти икки баравар ўси-лиши таъминлашни керак. Демак, биз ўзимизнинг тайёр саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва кимёвий маҳсулотлари-мизни, автомобилларимизни жаҳон бозорига чиқариш учун Туркмени-стон орқали ўтадиган темир йўлдан фаол фойдаланишимиз мумкин бўлади.

Ёки Ўзбекистон учун Туркмени-стон орқали ўтувчи автомобиль йўл-лари ҳам жуда қулай. Дейлик, Эрон портларига автомобиль йўллари ор-қали бир суткада етиб бориш мум-кин бўлади.

Устувор йўналишлардаги алоқалар занжири

Транспорт соҳаси — изчил ало-қаларнинг устувор йўналишларидан



бири. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга, Туркменистон ор-қали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимизнинг ўзаро инте-грациялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон — Турк-менистон — Эрон — Умон халқаро транспорт-коммуникация коридори-ни барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим геостратегик аҳамиятга эга. Амударё устида қурилган автомобиль ва темир йўл кўприқлари мазкур транспорт йўла-рининг муҳим қисми ҳисобланади. Ушбу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши транзит юк оқимларини кўпайтириш ҳамда иш-тирокчиларни ташки бозорларга энг қисқа ва самарали равишда кириш имконини беради. Умуман, булар-нинг барчаси келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам углеводород ресурсларига бой. Улар экспорти ўзаро мувофиқ ҳара-кат қилишни талаб этади. Ана шун-дай яқин ҳамкорлик мамлакатлари-миз учун энергетика йўналишлари-ни диверсификациялаш ҳамда жа-ҳон бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. 2009 йилда ишга тушган Туркмени-стон — Ўзбекистон — Қозғистон — Хитой газ қувури бунинг ёркин мисолидир.

Бутун Ўзбекистон ҳамда Туркма-нистоннинг чегара худудлари ўрта-сида самарали муносабатлар ўрна-тилган. Туркменистоннинг Лебаб ва Дашоғуз манзиллари билан Бухоро ҳамда Хоразм вилоятлари ўртаси-да трансчегаравий ҳамкорлиқни ри-вожлантириш бўйича келишувга эришилди. Икки мамлакатнинг че-гара вилоятлар ҳокимликлари де-легацияларининг ўзаро ташрифла-ри натижасида бугунги кунда улар турли соҳаларда қўшма лойиҳалар-



Иқтисодиётга жиддий зарба берган блэкаут

28 апрель куни Испанияда кенг қўламли электр энергияси узилиши содир бўлди. Бу носозлик Португалия, Франция ва Андоррага ҳам таъсир кўрсатди. “RTVE” телерадиокомпанияси муҳбири хабар беришича, йўқотишлар 1 млрд. евродан 4,5 млрд. еврогача етган бўлиши мумкин.

Гранада университетининг иқтисодиёт бўйича профессори Франциско Родригеснинг айтишича, 4,5 млрд. евролик йўқотиш мамлакатнинг кўнлик ЯИМга тенг. Бироқ бошқа мутахассислар ҳақиқий йўқотиш кўнлик ЯИМнинг 25 фоизидан 50 фоизгача, яъни 1,1 млрд. евродан 2,25 млрд. еврогача бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тўхтамга келмоқда. Бу — йиллик ЯИМнинг 0,05-0,15 фоизига тенг дегани.

Испания иқтисодиётининг иккинчи муҳим тармоғи — ишлаб чиқариш саноати катта зарар кўрган. Шунингдек, сезиларли зарар транспорт соҳасида ҳам қайд этилган. Темир йўл қатновидаги узилишлар ва аэропортлар фаолиятидаги чекловлар логистиканинг издан чиқишига олиб келган.

29 апрель куни Испанияда электр таъминоти тикланган.

Гуманитар инқирознинг фожиали оқибатлари

БМТ тизимида кирувчи Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассислари янги ҳисоботни эълон қилди. Унга кўра 2014 йилдан 2024 йилга қадар дунё бўйлаб уруш ёки гуманитар инқирозга учраган мамлакатлардан қочган 72 мингдан ортиқ одамлар ҳалок бўлган.

Ҳисобот муаллифларининг таъкидлашича, муҳожирлар орасида қайд этилган 54 фоиз ўлим ҳолатлари моҳролар ёки табиий офатлар рўй берган мамлакатларда ёки уларга яқин ҳудудда содир бўлган. Бу борада энг хавфли йўналиш марказий Ўрта ер денгизи бўлиб қолмоқда — ўн йил давомида бу ерда қарийб 25 минг киши қўйиб кетган ёки бедарак йўқолган.

Қурбонларнинг энг кўп қисми Афғонистон (5046 киши), Мянма (3149), Эфиопия (1923), Сурия (1433) ва Гватемаладан (792). Ҳисоботга кўра ҳалок бўлганлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин.

Экспорт географияси диверсификация қилинади

Хитой тараққиёт ва ислохотлар миллий комиссияси раҳбари ўринбосари Чжао Ченсин “АҚШдан озуқа ва мойли ўсимликлар харид қилмасак ҳам, бу мамлакатимизга ғалла етказиш борасида катта таъсир кўрсатмайди”, деди.

Унинг фикрича, Хитой АҚШ экспортининг йўқотилишини маҳаллий ишлаб чиқариш ва бошқа мамлакатлардан етказиб бериш орқали осонлик билан қоплаши мумкин.

Бу ҳақда “Reuters” агентлиги вакили хабар берди. Маълумот учун, 23 апрель куни АҚШ Президенти Доналд Трамп Вашингтон Хитой товарларига божхона тўловларини камайитиришини, бироқ бу ставка нолга тенг бўлмаслигини маълум қилди. Оқ уй раҳбари Хитойдан олиб келинаётган товарларга жорий йиғим божларини жуда юқори деб атади.

Ядро дастури бўйича музокаралар Римда бўлиб ўтади

“Reuters” муҳбирининг хабар беришича, Америка — Эрон мулоқоти бу гал ҳам Уммон воситачилигида бўлиб ўтади. Музокара АҚШ — Эрон алоқаларидан ташқари Техроннинг дипломатик фаолиятида Европа билан мулоқотларни ҳам ўз ичига олади.

Бундан сал илгарироқ АҚШ билан музокаралар арафасида Эрон “Европа учлиги” вакиллари — Франция, Германия ва Буюк Британия билан учрашув ўтказишни режалаштираётгани ҳақида хабар берилган эди. Нашрда ёзилишича, Техрон Европа давлатларининг БМТ санкциялари қайта тикланиши эҳтимоли бўйича позициясини аниқлашга ҳаракат қилмоқда.

Саудия Ҳаж амалини адо этиш талабларини кучайтирди

“Saudi Gazette” муҳбирининг хабар беришича, эндиликда рухсатномасиз ҳаж ибодатини адо этаётган ёки адо этишга уринаётган шахсларга 20 минг Саудия риалигача (5,3 минг АҚШ доллари) миқдорида жарима солинади.

Маълум муддат давомида Макка шаҳри ва муқаддас жойларга киришга ёки у ерда қолишга уринган барча турдаги ташриф визалари эгаларини ҳам худди шундай чора қутади. Рухсатномасиз ҳажга борган, шунингдек, Макка шаҳри ва муқаддас қадмақларга кирган ёки у ерда бўлган ва зиёрат визаси учун мурожаат қилган ҳар қандай шахсга 100 минг риалгача (қарийб 26 минг АҚШ доллари) жарима қўлланилади.

Виза муддати тугаганларга бошпана берган ёки уларни ҳажга олиб борган шахслар ҳам жазодан қутулполмайди. Макка ва Мадина шаҳрига фақат ҳаж учун махсус виза асосида киришга рухсат берилади.

Саудия Арабистони Туризм вазирилиги маълумотида кўра 2025 йилги ҳаж мавсумига тайёргарлик доирасида Маккадаги барча яшаш жойларига ҳаж учун рухсатнома ёки ҳаж даврида шаҳарга кириш, иш ёки яшаш ҳуқуқини берувчи расмий рухсатномага эга бўлмаган шахсларни жойлаштириш қатъиян ман қилинган.

Таққ 10 июнь куни зиёрат тугагунига қадар давом этади.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



Туйғу

Абдулла ШЕР,
Ўзбекистон
халқ шоириВАТАН — ЮРАКЛАРГА
БЕРИЛГАН КЕНГЛИК

Ватан — юракларга берилган кенглик.
Қичкириб, чираниб, кўракка мушглаб,
Ялангоч шовкинга кўммайлик номини.

Ватан — юракларга берилган кенглик.
Шивирлаб куйлайлик Ватан ҳақида
Навбахор куни
Пўстлогидан кечган куртакка ўхшаб.
Шивирлаб сўйлайлик Ватан ҳақида
Узоқ қиш туни
Оқ тонгни уйғотган эртакка ўхшаб.
Шивирлаб ўйлайлик Ватан ҳақида
Тилсим деб уни,
Фарҳодга айланган гўдакка ўхшаб.

Ватан — юракларга берилган кенглик...

КЕТМОН

Яна ошнам қадрдон кетмон,
Суячқидир даста, чарчасам.
Ерим гўё кичкина осмон,
Кетмон худди куёш парчаси.

Зарбларимнинг шу мард эгаси
Шўнғиб-чиқиб, ерин қўямас тинч.
Қўтиб яшар қузинин нафасин
Экинларга тутилган соғинч.

Соғингани бордек йироқда
Малла анҳор юғураб жадал.
Титроқ турар барра қуроқда
Ниначилар жуфтлашган маҳал.

Гаплашман ҳар гиёҳ билан
Янги зарбни юклаб кетмонга.
Дўстлашман гоҳ сиёҳ билан,
Эгаман деб қўша хирмонга.

Яктагимни еллар очиб гоҳ,
Юрагимга аста мўрлар.
Ташбеҳимдан ҳушбўй сочиб гоҳ,
Экимимга шеърим ўралар.

Қун чарақлар кетмонга тўлиб,
Марваридир тердан баланим.
Шеър анҳор, ер, осмон бўлиб,
Жилмаяди менга Ватаним!

Тадбир

ҚАДРИЯТЛАР —
ЭЪТИБОРДА

Бугунги кунда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд оилалар мавжуд. Уларни мустақамлаш ва асраб-авайлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 5 майдан 5 июнга қадар “Фаровон оила сари” ойлиги ўтказилади.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ахборот хизмати маълумотига кўра оиллик доирасида “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” кўрик-танлови уюштирилди.

Шунингдек, “Менинг оилам — менинг фахрим” мавзуда флешмоб ва “Янги Ўзбекистоннинг бахтли оила-симан” челленжлари ҳам ташкил этилиши, шу билан

бирга, турил долзарб мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, миллий қадриятларни улғулашга оид учрашувлар уюштирилиши кўзда тутилган. Низоли оилаларни муросага келтириш мақсадида масъул ташкилотларнинг маҳаллаларда “сайёр қабуллари” ҳам ўтказилади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистондаги 9 та ноёб дарахт —
халқаро рўйхатда

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан яна 9 та ноёб дарахт “MonumentalTress.com” халқаро рўйхатига номзод этиб киритилди.



Экология

Улар орасида Қорақалпоғистондаги 100 йилдан ошган 5 та қайрағоч, Жиззах шаҳридаги 200 йилдан ошган тут, Каттақўрғон шаҳридаги 250 — 300 ёшли тут дарахти, Нарпай туманидаги 450 йиллик ҳамда Пайариқ туманидаги 1000 ёшдан ошган чинор дарахтлари бор.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида мазкур халқаро рўйхатга ўз табиий мерос объектларини киритган биринчи ва МДҲ мамлакатлари орасида учинчи давлатга айланди. Бундан аввалроқ Россия ва Озарбайжон ҳам бу рўйхатга кирган.

Айтиш жоизки, аввалроқ Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги 1500 ёшли Шарқ биотаси дарахти ҳам “MonumentalTress.com” рўйхатига киритилган.

СЎЗГА ОШНОЛИК ВА ТАШНАЛИК ЗАВҚИ

Илм йўли — нурли, шу билан бирга заҳматли. Машаққату синовларда тобланган, бардоши бакувват, матонати чайир — чинакам камолот касбига кўз тиккан некбин инсонлар йўли бу. Улар бунинг ўқубатини ҳаловат, заҳмати фарағат, машаққатини роҳат санайди. Тафаккури теран, тахайюли учкур, олимлик саодатини амалу аҳдига собитликда топган асл зотлар матлаби бу йўл. Уларнинг насибаси — сўз, қисмати — сўзшунослик. Чин адабиётшунос кўнгил меҳварига сўз билан битилган ижод намуналарини тафтишу таҳлил қилиш орқали миллат дунёқарашига оид ҳақиқатларни, халқнинг орзу-умидлари, ўй-қарашларини юзага чиқаришга интилади. Бу жараёнда у ўзини кашф этиб боради, илм уммонидан дуру жавоҳирлар излайди, қолаверса, ижод аҳлининг маънавий хазинасига ёрқин нигоҳ ташлайди.

Айниқса, халқ яратган оғзаки ижод намуналарини тадқиқ этиш сўзга ошуфталик, сўзга ошноликка йўл очиб, сўз завқига ташналик кайфиятини тарбиялайверади. Профессор Жаббор Эшонқулов ҳақида сўз борганда, аввало, ана шундай ўй-фикрлар кечади кўнгилдан...

Илм-фан фидойилари

I

Таникли фольклоршунос Жаббор Эшонқулов ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи директори лавозимида фаолият юритар экан, олимликни ўзига қисмат деб билади. Унинг туш талқинига доир илмий изланишлари ўзига хос. Фольклордаги туш мотивини атрофлича ўрганиш, нафақат халқ донолигининг ифодаси бўлган сўз санъати дурдоналари сирини, балки ёзма адабиёт, руҳшунослик, фалсафа замиридаги, инсон ва табиат, инсон ва жамият ўртасидаги мувозанат уюлганлигини нозик кирраларини билишга ҳам имкон яратди. Бу эса тадқиқотчидан кенг дунёқараш, теран фикрлаш, юксак билим ва маҳоратни талаб этади.

Жаббор ака тушни физиологик-руҳий ҳодиса сифатида юзага келтирган омиллар ва бадий адабиётга кўчиш жараёнларини пухта таҳлил қилди. Ибтидоий маданият давридан бошлаб, бугунгача тушга инсонларнинг қарашлари ва унинг адабиётдаги ифодасини бир неча гуруҳларга бўлиб, таснифлади: а) мифология; б) аъъанавий, диний; в) профессионал, таъбирчилик; г) илмий.

Жаҳон фольклоршунослигининг психоаналитик мактаб методини биринчи бўлиб ўзбек фольклорига татбиқ этди. Изланишлари давомда бу методни тарихий-қийсий, тарихий-типология, синхрон методлар билан уйғунлаштирди.

Мазкур тадқиқот олимнинг ўзига хос илмий мактаби шаклланишида ва тараққий этишида муҳим ўрин тутди. Илмий ишга таникли ўзбек ҳамда хориж олимлари томонидан ёзилган тақризларда ҳам бу ҳақда асосли ва ижобий фикрлар билдирилган. Шубҳасиз, ушбу иш олимга юртимиз ва ундан ташқарида ҳам катта шухрат оқиб келди. Илмий давраларда эътирофу эътиборга лойиқ кўрилди.

II

Жаббор Эшонқулов кўксига ёлқини, нигоҳида қачини бор, шиддати жушқун, қатъияти кескир олим. У зуваласи пишиқ, оҳори тўқилмаган, мулоҳазаю мушоҳадага имкон очувчи илмий қарашлар устида баҳс юритади. Фольклоршуносликнинг долзарб масалалари хусусида, ада-

биётшуносликдаги мавжуд муаммолар борасида кўнчаклик билан ёзади. Бу инсоннинг олимлик қиёфасига хос ёрқин фазилатларини санаб кўрсатиш керак бўлса, аввало, диллик, тийраклик ва ўз-ўзига бўлган сўнмас ишонч кайфияти кўнгил ойнасида бўртиб кўринади. У илмда ҳақиқат байроғини баланд тутган, адолат мағини бардам ушлаган, холис ва бағрикенг олим.

Ростни рост, ёлғонни ёлғон деб айтиш учун ҳам йиллар сабоғида тарбия топган журъбат, фикрати тегран, фитрати мусаффо, ғайрати зақига уйғун бир қудрат керак одамга. Йўқса турли давраларда турланиб, ўқинчи мақтовларга ҳаволаниб, сеҳрига ошуфта бўлиб улғайган қахрамонимизнинг кайфияти адабиётга уйғун: у ўзигини адаби-

ётмиш икки томирида устозига чексиз ҳурмат, эҳтиром руҳи ҳамиша бўй кўрсатиб туради. Фейл-атворида дашт одамига хос тўпорилик, соддалик, дангаллик, чўрткесарлик хислатлари мавжуд. Болалик йиллари кечган Сурхону Қашқадарёнинг кенгликларга қучоқ очган дала-даштлари, эркин эпкинларда мусаффо ҳаволарга тўйинган биёбонлари, қолаверса, халқимиз ўтмишининг тирик нафасини ўзида сақлаб келган бобою момоларнинг ўғитлари олимнинг илм осмонидида парвозига сабот ва шижоат берган, десак, хато эмас. Бахшилар дўмбирасидан таралган оҳанглари тинглаб, халқ достонлари, термалари, лапарлару қўшиқлар сеҳрига ошуфта бўлиб улғайган қахрамонимизнинг кайфияти адабиётга уйғун: у ўзигини адаби-

III

Халқимизда ўз соҳасининг устаси, ҳақиқий билимдон бўлган зариф инсонларга нисбатан нажиб бир эътироф мавжуд: “Устоз кўрган!” Жаббор ака кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган академик Тўра Мирзаевнинг хос шоғирдларидан. Илмда йирик фольклоршунос Ҳоди Зарифдан бошланган эзгу аъъаналарни бугунги кунда жадал давом эттириб келаётган содиқ шоғирд. Устозга садоқат, меҳр, муҳаббат ва самимиятни, ростни, Жаббор акадан ўрганиш керак. Кунда-кун ора Тўра Мирзаевни истаб, ҳар қандай вазиятда ҳам унинг ёнида бўлиб, билмаганини ўрганиб, билганини мустаҳкамлаб юрганимизга биз кўп ва хўп ғувоҳимиз. Жаббор аканинг тилида, дилида —

етмиш икки томирида устозига чексиз ҳурмат, эҳтиром руҳи ҳамиша бўй кўрсатиб туради.

Фейл-атворида дашт одамига хос тўпорилик, соддалик, дангаллик, чўрткесарлик хислатлари мавжуд. Болалик йиллари кечган Сурхону Қашқадарёнинг кенгликларга қучоқ очган дала-даштлари, эркин эпкинларда мусаффо ҳаволарга тўйинган биёбонлари, қолаверса, халқимиз ўтмишининг тирик нафасини ўзида сақлаб келган бобою момоларнинг ўғитлари олимнинг илм осмонидида парвозига сабот ва шижоат берган, десак, хато эмас. Бахшилар дўмбирасидан таралган оҳанглари тинглаб, халқ достонлари, термалари, лапарлару қўшиқлар сеҳрига ошуфта бўлиб улғайган қахрамонимизнинг кайфияти адабиётга уйғун: у ўзигини адаби-

“Жаббор Эшонқулов ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби ва тарихий тараққиёти, фольклор назарияси, фольклоршунослик тарихи, халқ оғзаки ижодида оид асарларни ёзиб олиш, таснифлаш ва нашр этиш, қийсий фольклоршунослик ва ҳозирги тарихий-фольклорий жараён бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бормоқда.

ётдан излайди, адабиёт дунёсида яшайди.

Олим мумтоз адабиётни, хусусан, буюқ мутафаккир ва шоир Алишер Навоий ижодини ардоқлайди. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг туркий, хусусан, ўзбек адабий тили ривожига тугган бекиёс ўрнини қайта-қайта таъкидлашдан сира чарчамайди. Асардаги ҳар сўзга халқ ижодиёти ёдгорликларидан мисоллар келтиради — сўзларнинг генезисига диққат қаратади, бугунги ифода меъёрларига эътиборни жалб қилади.

“Тил, адабиёт — маърифатига инсонни жаҳолатдан қутқара олади, — деб ёзади “Улуғ шоир жасорати” мақоласида (“Халқ сўзи”, 2025 йил 8 апрель). — Тил шунчаки маърифат бешиғига эмас, балки миллий ғурур ялови ҳамдир. Миллатнинг ғурурини қайтариш, уни қайта тарбиялаш учун, албатта, ғурурни тарбияловчи восита керак эди... Али-

шер Навоий даврида салтанатда тарқоқлик бошланган, Амир Темур юксакка кўтарган маёқлар кундан-кунга сўниб борарди. Улуғ шоир бу тарқоқлик ва бошбошдоқлик сабаби маърифатсизлик, илмдан узоқлашиш эканини яхши англаган...” Олимнинг таъбирича, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари ана шу жараёнда миллат ва Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси, халқ олдидида масъулият ва бурч ўлароқ юзага келган бебаҳо дурдонадир.

Жаббор ака билан жаҳон адабиёти, айниқса, Ғарб адабиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида соатлаб, кунлаб баҳс юритиш мумкин. Ўқимагани кам, билмагани оз. Хомердан Бальзаккача, Дантедан Шекспиргача, Пушкиндан Анна Ахматовагача... ҳар бир ижодкорнинг ижодий йўли, бадий тамойиллари, образ яратиш маҳорати, асарларининг ўзбек тилига таржима масалалари ҳақида мириқиб суҳбатлашса бўлади. Бу гуруннинг бир томони, табиийки, фалсафа ва файласуфларга бориб туташади. Адабиётнинг асл меҳварига ифода топган улугвор гоғлар, некбин хис-туйғулар нақадар теран, нечоғли юксак эканини мушоҳада қилишга ундайди бу суҳбатлар. Жаббор ака аниқ мисолларга таяниб асосли фикр юритади, ўзи англаган ҳақиқатларни,

ҳаётий ҳулосаларни идрок тарозисига тортиб, мулоҳазакорлик билан далиллаб тушунтиради. Олимона нигоҳ, олимона қайсарлик, олимона ғурур бор унинг ҳақиқатларида...

IV

Жаббор Эшонқулов ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби ва тарихий тараққиёти, фольклор назарияси, фольклоршунослик тарихи, халқ оғзаки ижодида оид асарларни ёзиб олиш, таснифлаш ва нашр этиш, қийсий фольклор-

Шу кунларда Жаббор Эшонқулов қутлуг ёшга қадам қўймоқда. Олимнинг амалга ошираётган эзгу ишларни кўзлаган юксак мақсадларини инобатга олиб айтиш мумкинки, эришилажак марралар ҳали олданда. Шундай экан, биз келгусида ҳам адабиётшуноздан кўлаб илмий ютуқлар: монографиялар, рисоалар, дарсликлар қутишга ҳақлимиз.

Мақсуд АСАДОВ,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директорининг ўринбасари, филология фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

Қизиқиш билдиришга сўров

«Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик» лойиҳаси

Кредит рақами: 7425-UZB

Хизмат тасвифи: «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси» МЧЖ консалтинг компаниялар мутасаддиларини «Ўзбекистонда Рақамли Инклюзивлик» лойиҳаси доирасида Юмшоқ кўникмаларни ривожлантириш бўйича халқаро консалтинг хизматларини кўрсатишга қизиқиш билдиришга тақлиф қилади.

Қизиқиш билдиришнинг охириги муддати: 2025 йил 15 май.

Батафсил маълумот учун: udip@it-park.uz, 71-209-11-99 (1037).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета таҳририят марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Х. Норбоев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.00 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6